

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2020 йил 11 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 20 (14.071)

Баҳоси эркин нарҳда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ТРАНСФУЗИОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ОНКОГЕМАТОЛОГИК ВА ДАВОЛАШ ҚИЙИН БЎЛГАН КАСАЛЛИКЛАРГА ЧАЛИНГАН ШАҲСЛАРНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси доирасида аҳолига қулай ва сифатли бирламчи тиббий-санитария, тез тиббий ёрдам ҳамда ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатишида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, гематологик, онкогематологик ва бошқа даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ушбу касалликлар профилактикасини кучайтириш ва уларни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олиш бўғини кунда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Аҳолига гематологик ёрдам кўрсатиши янги босқичга кўтариш, касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш тизимини янада ривожлантириш, соҳага илғор ташхис усулларини жорий этиш ва гематологик касалликларни даволашда трансплантация усулини ривожлантириш, гематология ва трансфузиология хизматларининг моддий-техник базаси ҳамда кадрлар салоҳиятини мустақамлаш, шунингдек, онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни даволашни молиявий томондан қўллаб-қувватлашни ташкил этиш мақсадида:

1. Қўйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

гематологик касалликларга ташхис қўйиш учун тиббиёт муассасаларининг лабораторияларини **реагентлар билан таъминланганлик даражасини 7,5 баробарга ошириш**;

республика ва худудий тиббиёт муассасаларининг гематологик касалликларини даволаш учун зарур бўлган **дори воситалари билан таъминланганлик даражасини 2020 йилда 6 баробарга ва кейинги йилларда босқичма-босқич ошириб бориш**;

миеломалар ва лимфома касаллигига чалинган беморларда **аутологик ўзак ҳужайралари трансплантациясини ўтказиш**;

трансфузиология (қон билан ишлаш) хизмати моддий-техника базасини яхшилаш, қон компонентлари ва препаратларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида **бегараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш**;

Дастурга мувофиқ гематология хизматини ривожлантириш учун **546,5 миллион сўм** ва **70,7 миллион АҚШ дол-**

лари ажратилиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи **Гематология ва трансфузиология хизматларининг кадрлар салоҳиятини мустақамлаш бўйича "Йўл харитаси"** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ва кейинги беш ўқув йили давомида **"Гематология ва трансфузиология" мутахассислиги** йўналиши бўйича **магистратура ва клиник ординатурада кадрларни давлат грантлари асосида тайёрлаш**;

худудий тиббиёт муассасаларининг гематолог ва лаборант шифокорларини асосий иш жойларида ойлик маоши сақлаб қолган ҳолда республиканинг етакчи тиббиёт муассасаларида **стажировка ўтиши** ва **малака оширишини** ташкил этиш;

гематология йўналиши бўйича кадрларни **хорижий олий таълим ва илмий муассасаларнинг клиник ординатура (резидентура), магистратура ва докторантура босқичларида тайёрлаш**.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти негизида **Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказини** (кейинги ўринларда – Марказ);

Бухоро, Жиззах, Навоий, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари катталар ва болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг ўзин-ўзи соғини ошириш ҳисобига гематология бўлимларининг катталар ва болалар учун мўлжалланган ўрин-жойларини мос равишда 20-30 тага етказиш ҳамда Тошкент шаҳридаги тегишли тиббиёт муассасасида 20-30 ўринли катталар бўлимини **ташқил этиш тўғрисидаги тақлифлари маълумлансин**.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) Марказ:

Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ташкилотларининг гематология бўлимлари фаолиятига ташқилий-методик раҳбарлик қилади;

б) 2020 йил 1 апрелдан бошлаб Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг фаолиятини юритиш билан боғлиқ амалдаги тартиб татбиқ этилади.

(Давоми 2-бетда)



МАҚСАД – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИгини ОШИРИШ

Сергеи тумани ҳокимлигида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси "Аёллар қаноти" ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан Президентининг Олий Мажлиси Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини хотин-қизларга тушунтириш ва унда белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган амалий мулоқот ташкил этилди.

Тадбирда партия раҳбари А.Ҳайтов Президентининг Олий Мажлиси йўллаган Мурожаатномаси том маънода мамлакатимизни янада юксалтириш, тараққиётни таъминлашга қаратилган, унда таълим-тарбия янги замон талаблари даражасига кўтариш заруратида аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга аниқ вазифалар белгиланганини таъкидлади.

Мурожаатномада барча соҳалар қатори ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хусусан, халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, худудлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият қаратилиши борасида аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Таъкидланганидек, юртимизда кам таъминланган, етарли даромад манбаига эга бўлмаган аҳоли қатламлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг даромадларини оширишда аҳоли ўртасида замонавий ишбилармонлик ва бизнес қўлимақдори шакллантириш орқалигина юксак мақсадларга эришиш мумкин.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда жорий йилда худудлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият қаратилади, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидлари кенг йўл очиб берилди. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади.

Шунингдек, меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз фуқаролар билан тизимли иш олиб бориб, уларни касбга қайта тайёрлаш орқали муносиб иш жойи билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Ушбу мақсадлар учун 700 миллион доллар жалб қилинадиган бўлди. Бундан ташқари 5,5 минг хотин-қизнинг кичик бизнес йўналишидаги лойиҳаларига 100

миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди, 1 минг 576 хотин-қизга янги ўй-жойга эга бўлиши учун бюджет ҳисобидан бошланғич бадал тўлаб берилди. Бу эса мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган юксак эътибор намунаси дур.

Тадбирда Мурожаатномада белгилаб берилган бу каби вазифалар ижросини таъминлаш партия "Аёллар қаноти" олдига ҳам қатта масъулият юклаш алоҳида таъкидлаб ўтилди. Партия хотин-қизларни, уйда ўтирган аёлларни, ёшларни тадбиркорлик фаолиятларини бошлашга яқиндан қўллаб-қувватлаш, имтиёزلар бериш ва шу орқали янги иш ўринларини яратишни мақсад қилган.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож она-сингилларимизни Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида 5 та таълим ташаббус доирасида қисқа ўқув курсларида ўқитиш йўлга қўйилди. Бу саъй-ҳаракатларни амалга оширишда партия тажрибали тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерлар ёрдамига таянган ҳолда амалга оширади.

Очиқ мулоқотда партия ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси Мурожаатномасида қайд этилган ижтимоий тадбиркорлик асослари ва уни рағбатлантириш чоралари тўғрисида тегишли қўнун лойиҳасини ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатиши, ушбу қўнун лойиҳасини аҳоли кенг қатламлари орасида муҳокама қилган ҳолда аниқ тақлиф олиш лозимлиги таъкидланди.

Тадбирда иштирок этган тадбиркорлар, ишбилармонлар, аҳоли вакиллари депутатлар билан мулоқотда бўлиб, тадбиркорлик фаолиятига оид қатор тақлифлари, фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Мулоқот доирасида Сергели туманида фаолият юрлатаётган ишбилармон хотин-қизларнинг маъсулоти кўрсатмаси ҳам ўтказилди. Тадбиркорлар томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилиб, тумандаги ишсиз хотин-қизларнинг 30 нафари ўзлари қизққан йўналишлар бўйича ишга жойлашди.

ЎЗА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят Кенгаши депутатлари, Олий Мажлис Сенатига вилоятдан сайланган сенаторлар, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ўринбосарлари, бошқарма ва ташкилотлар, сиёсий партиялар вилоят кенгашлари, олий таълим муассасалари, ҳуқуқ-тартибот ҳамда солиқ органлари мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Сессияда Бухоро вилояти ҳокимининг вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги энг муҳим ва долзарб масалалар юзасидан ҳисоботи тингланди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасида бўлиб ўтган маданий-маърифий тадбирда шеърят мулкунинг султони Алишер Навоий қолдирган мазкур улкан меросни ўрганиш ва тадқиқ қилишнинг амалий аҳамияти ҳақида сўз борди. Тадбирда шоир газаллари билан айтилувчи қўшиқлар барчага хушқайфият бағишланди.

● Андижон шаҳар Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат янги бинода иш бошлади. Мактабда спорт машғулотида белгиланган режа ва дастур асосида тажрибали мураббийлар томонидан ўтказилмоқда. Ўқувчиларнинг спорт борасидаги техник маҳоратини ошириш мақсадида синфлараро мусобақалар, ўртоқлик учрашувлари ҳамда назорат ўйинлари мунтазам ўтказилмоқда. У ерда ўқувчиларга уч маҳал иссиқ овқат берилди, барча қулайликка эга ётоқхона уларнинг ихтиёрида. Бундан ташқари, малакали шифокорлар томонидан ўқувчилар соғлиғи доимий назорат қилиб борилади.

● Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси фуқароларини хорижа қўнуний ишга йўналтириш бўйича меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Меҳнат ярмаркасида Россия Федерацияси, Польша, Туркия, БАА, Ҳиндистон, Украина, Болгария, Литва, Латвия, Япония ва Венгрия каби давлатлардан 70 дан ортқ иш берувчининг қурилиш, уй ҳўжалиғи, йўловчи ва юк ташуш хизматлари, мебель ишлаб чиқариш, баллиқчилик, паррандачилик, меҳмонхона бизнеси, тиббиёт ҳамда хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришнинг бошқа йўналишларидаги 10 миңга яқин бўш иш ўрни тақдим этилди. Шундан хорижда ишлаш истағида бўлган миң нафардан ортқ фуқаро билан дастлабки келишувларга эришилди.

ЖАҲОНДА

● Чехиялик дастурчилар гуруҳи ҳукумат учун фирмалардан бири буюртма олган сайтни текинга тайёрлаб берди. Улар буни транспорт вазирлигининг "исрофгарчилиғи"га нисбатан норозилик белгиси сифатида амалга ошириди: уларнинг фикрича, амалдорлар оқлаб бўлмайдиган даражада қиммат шартнома тузган. Маълум қилинишича, транспорт вазирлиғи пуллик автомагистралларда ҳаракатланишга электрон тарзда руҳсатнома берувчи сервис яратиш учун ҳеч қандай тендерсиз Asseco Central Europe фирмаси билан қиймати 400 миллион чех кронасига (16 миллион евро) тенг шартнома тузган. Унга кўра, фирма интернет-дўкон ҳамда iOS ва Android иловалар яратиши, сайтни тўрт йил давомида қўллаб-қувватлаб туриши лозим бўлган. Бу буюртма Чехиядаги IT-ҳамжамиятининг норозилигини келтириб чиқарди. Actum Digital компанияси Томаш Вондрачек бу ишни икки кунда бажариши мумкинлигини айтиди. Вондрачек махаллий дастурчиларга бирлашишни ва худди ўша сайтнинг муқобилини яратишни тақлиф қилди. Компания офисига йиғилган 60 нафар дастурчи икки кун ичида 16 млн. евролик сайт талабига жавоб берувчи fairnazamka.cz платформасини тайёрлади.

● Украина маданият, ёшлар ва спорт вазирлиги 2021 йилдан циркларда жониворлардан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги қўнун лойиҳасини тайёрламоқда. Хужжат лойиҳасига кўра, жумладан, жониворлардан барча турдаги кўнгулочар-томоша тадбирларида фойдаланиш тақиқланади. Кайд этилишича, хужжат фаолияти жониворлар билан алоқадор соҳаларга татбиқ этилмайди. "Масалан, кинология тақиқланмайди, жониворлар тераларияси бекор қилинмайди ва жониворлар иштирокидаги спорт мусобақалари ҳам ўтказилади", деб таъкидлади вазирлик вакили. Маълумот берилишича, ҳозирда Украинадаги 7 та давлат циркидаги томошаларда 317 та жонивордан фойдаланилади.

"Дунё" АА
Варшава

ПОЛЬШАДА ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ БЎЛИБ ЎТДИ

"Польша-Осиё" савдо-саноат палатасида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва жорий йил 5-6 март кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган I Тошкент халқаро инвестиция форумига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Тадбирда Польшанинг таниқли эксперт-таҳлилчилари, академик, давлат ва жамоатчилик доиралари вакиллари, ишбилармонлар қатнашди. Уларга Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар тўғрисида маълумот берилди. Ушбу ўзгаришларнинг асоси сўнги йилларда ишлаб чиқилган ва инвесторларнинг Ўзбекистонга бўлган ишончини кучайтиришга хизмат қилаётган меъёрий-ҳуқуқий база эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, I Тошкент халқаро инвестиция форумининг мақсади ва дастури тўғрисида ахборот берилди. Ушбу тадбир Ўзбекистон бозорига ишлаётган ва унга

қизиқиш билдираётган инвесторларни бирлаштиришга қаратилган муҳим қадам бўлади.

Брифингга Ўзбекистонда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган изчил чора-тадбирлар ҳусусида ҳам сўз юритилди. Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, Ўзбекистон маҳсулотлари ва хизматлари экспортини кўпайтиришда банк-молия соҳасини ривожлантиришга асосланган очик ва барқарор иқтисодий сибсат олиб борилаётгани таъкидланди.

Иштирокчилар, шунингдек, республикада барқарор ўсиш ва макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, хусусий тадбир-

корлик ва кичик бизнес манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан танишди.

Варшава университети Сиёсий фанлар институти профессори, "Сиёсий тадқиқотлар" журнали муҳаррири Й.Залешний, Ўзбекистоннинг ҳозирги иқтисодий стратегияси иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ҳақуқ таҳлилига асосланган кенг қўламли ислохотлар дастурини қамраб олганига диққат қаратди.

— Президент Шавкат Мирзиёев ташаббусларининг амалга оширилиши Польшадаги сармоядорлар ва ишбилармонларнинг мамлакатимизга қизиқишини сезиларли даражада оширди, — деди у.

Ўз навбатида, Олий халқаро муносабатлар ва жамоатчилик билан алоқалар мактаби профессори Е.Шукальски Ўзбекистон кўп йиллик барқарорликка эришгани, бу эса барча соҳада, шу жумладан иқтисодиётда ҳам ислохотлар муваффақиятини гарови бўлаётганини айтиб ўтди.

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг қўлами ва суръати мисли кўрилмаган даражада катта. Қўллаб ташаббуслар ўзининг амалий тасдиқини топди. Биз I Тошкент халқаро инвестиция форумида уларни шахсан кўриш ва ҳис қилишдан умидвормиз, — деди Е.Шукальски.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ТРАНСФУЗИОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ОНКОГЕМАТОЛОГИК ВА ДАВОЛАШ ҚИЙИН БЎЛГАН КАСАЛЛИКЛАРГА ЧАЛИНГАН ШАХСЛАРНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

5. Давлат активларини бошқариш агентлиги, "Худудгазтаъминот" АЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Худудгазтаъминот" АЖ Чилонзор туман газ таъминоти филиалининг Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 5-мавзе, 55-а уйда жойлашган бино ва иншоотларини тегишли худуди билан бирга Марказ инфратузилмасини яхшилаш мақсадида Марказга бепул ўтказиб бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

лаш қийин бўлган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади; б) Жамғарма маблағларидан: онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларига асбоб-ускуналар, дори воситалари, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини сотиб олишда; онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича юқори технологияли мураккаб операцияларни амалга ошириш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни республикага жалб қилишда; онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга республика худудидаги давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларининг юқори технологик таъминоти ва тиббий ёрдам кўрсатиш хизматларини харид қилиш харажатларини қоплаш учун фойдаланилади.

рим ҳужжатларига3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин. 16. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин. 17. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин: Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов – мазкур қарорнинг ўз вақтида сифатли ва тўлиқ ижро этилишини таъминласин, унда кўрсатилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул вазирлик, идоралар ва ташкилотлар фаолиятини самарали мувофиқлаштирсин, уларнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чоракда қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўрсин; Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров – мазкур қарор билан белгиланган тегишли чора-тадбирларни тўлиқ ҳажмда молиялаштирилишини таъминласин, акриталаётган бюджет маблағларининг самарали фойдаланиши устидан назорат ўрнатилишини ташкил қилсин; Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К.Шадманов – аҳолига гематологик ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, касалликлар профилактикаси, эрта ташхис қўйиш ва даволаш чораларини тақомиллаштирсин, Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишини таъминласин ҳамда мазкур қарор ижроси бўйича ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин; Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Б.М.Низомов – Марказга янги бино қуриш ва мавжуд биноларни реконструкция қилиш, гематология ва трансфузиология хизматларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани белгиланган муддатларда ва тўлиқ ҳажмда харид қилиш ишларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин ҳамда соҳага халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг грант маблағларини кенг жалб қилсин; Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Қўчимов ва Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси раиси в.б. А.Д.Ҳаджаев – ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёриштиришга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2020 йил 10 февраль



НАВОИЙ СИЙМОСИГА ЭҲТИРОМ

Ҳар йили 9 февраль – буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий таваллуд санаси мамлакатимизда катта тантана билан нишонланиши яхши аънамага айланган. Жорий йилда эса ушбу қутлуғ сана янада кўтаринкилик, ўзгача шукуҳ билан адабиёт, маънавият, илм-маърифат, дўстлик айёми сифатида ўтказилди.



Шоир номи билан юритилувчи Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига тугаш худудда бобомиз ҳайкали қад ростлаган майдонда Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Эрта тонда қон бу маскан давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, сенаторлар, депутатлар, миллий маданий марказлар, ижодий ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, ёзувчи-шоирлар, олимлар, адабиёт ихлосмандлари, ёшлар, нурунийлар билан гавжум бўлди.

жон тилига таржима қилдим. Ўзбекистонда ўтказилувчи навоийшуносликка доир илмий конференцияларда доимий катнашиб келамиз. Даҳо шоир ижодининг қирралари олимларни замоналар оша яна кўплаб тадқиқотлар, изланишларга чорлаб қолаверади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожидин Саййид ва бошқалар мамлакатимизда миллий адабиётимизга, таълим-тарбияга эътибор кўрсатиш, устоз-муаллимлар меҳнатини ардоқлаш, санъат ва маданиятни раванқ топтириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар янгича руҳ, ўзгача шиддат билан йўлга қўйилганини таъкидлади.

Навоий ва Бобурнинг хоки ётган заминдан келиб, бундай гоят мамнунман, – деди афғонистонлик шоир Тошқин Баҳойи. – Ҳазрат Алишер Навоий ижоди барча туркий қавмининг муштарак меросидир. Агар Ўзбекистонда улуг ўзт сифатида унинг таваллуд санаси шу қадар катта тийёргарлик билан нишонланишига сазовор бўлса, Афғонистон халқи учун ул зот ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан муаллим, раҳнамо ва буюк давлат арбоби сифатида нишонланиши керак. Чунки ул зот ташаббуси ва кўплаб-қувватлови билан Афғонистонда кўплаб иншоотлар, сув йўллари, кўприклар, шифохоналар таъмирланди, қурилди, юрт обод бўлди. Афғонистондаги ўзбек халқи қадим замонлардан то ҳозирга қадар Навоий асарларини ўқиш билан севиб камровли ислохотларда буюк алломаларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, асарларининг моҳиятини содда, раван тарзда ёшларга етказиш бўйича тизимли ишлар олиб боришда қўйишга асос бўлди.

Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан китобхонлиқни кенг омма-лаштириш, одамлар дарду ташвиши билан яшаш, ҳаётимизни янада фаровон этиш борасидаги кенг камровли ислохотларда буюк алломаларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, асарларининг моҳиятини содда, раван тарзда ёшларга етказиш бўйича тизимли ишлар олиб боришда қўйишга асос бўлди.

Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан китобхонлиқни кенг омма-лаштириш, одамлар дарду ташвиши билан яшаш, ҳаётимизни янада фаровон этиш борасидаги кенг камровли ислохотларда буюк алломаларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, асарларининг моҳиятини содда, раван тарзда ёшларга етказиш бўйича тизимли ишлар олиб боришда қўйишга асос бўлди.

Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлида ҳам Навоий бобомиз улуғлаган, асарлари мазмун-моҳиятига айланган гоёлар – ёшлар камолоти, таълим-тарбиясига эътибор, аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ҳимоялаш, илм-фанни тобора раванқ топтириш, шу орқали юртни янада обод этишга оид ишлар кўлами тобора ортмоқда. Президентимиз Мурожаатномасида тилга олинган "ҳалоллик вакцина"си айнан Навоий, Бобур сингари алломаларнинг асарларидаги поклик, одамийлик, тўғрилик давлатида мурасим.

Тантанали тадбирда озарбай-жонлик навоийшунос олим, халққаро Бобур муқофоти соҳиб Рамиз Асқар, афғонистонлик шоир ва ўқитувчи, навоийшунос Тошқин Баҳойи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, моҳир ҳақиқий фазаларини ўзбек, рус, инглиз тилларида ёддан айтади. – Ўзбекистонда Навоий ҳазратларининг таваллуд айёмлари учун ҳамisha илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Бу ерда улар стартап-марказ томонидан Франция ва жаҳонда амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Делегация аъзолари ёш стартап-лар ўз гоё ва янги лойиҳаларини тақдим этадиган тренинг ва семинарларда иштирок этди.

Шоир ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Тантанادا Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайридин Султонов иштирок этди.

– Ўн-ўн беш йилдирки, ўзбек адабиёти бўйича тадқиқотлар олиб бораман, – деди озарбай-жонлик навоийшунос олим, халққаро Бобур муқофоти соҳиб Рамиз Асқар. – 2009 йилда "XX аср ўзбек шеърини антологияси"ни нашрга тайёрладик. Унда кўплаб ўзбек шоирларининг таржимаи холи, ижодидан намуналар келтирилган. 2011 йилда "Бобурнома"ни озарбай-

Шу кунги пойтхатимизнинг Навоий кўчасидаги Ўзбекистон Фанлар академияси Адабиёт давлат музейига тугаш худуддаги шоир ҳайкали пойида мушоира бўлиб ўтди. Унда Афғонистондан келган ўзбек шоир ва ёзувчилари ҳам ўз ижодидан намуналар ўқиди. Ўқувчи-ёшлар улуг мутафаккир фазаларини ўзбек, рус, инглиз тилларида ёддан айтади. – Ўзбекистонда Навоий ҳазратларининг таваллуд айёмлари учун ҳамisha илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ТАРАФДОРИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси юзасидан давра суҳбати ташкил этилди. Унда Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти, "Тараққий стратегияси" маркази, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказидан вакиллар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази директори Д.Қурбонов, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори С.Саидқосимов ва бошқалар ушбу Мурожаатнома мамлакатимизни модернизация қилишининг стратегик вазибаларини ҳал этишга қаратилган кенг кўламли демократик ўзгаришлар ва таркибий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим масалаларига қаратилганини таъкидлади. Мурожаатномادا Ўзбекистоннинг нафақат 2020 йилдаги, балки келгуси беш йилликдаги ривожланиш йўли аниқ кўрсатиб берилган. Ташқи сиёсат соҳасидаги миллий манфаатларимизга жавоб берадиган очик, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсатни амалга ошириш учун кенг кўламли вазибалар қўйилган.

риш тарафдори, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Қодир Жўраев. – Ана шу мақсадда амалга оширилаётган ишлар халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида ҳам мамлакатнинг ўрни ва ролини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Умуман олганда давлатимиз раҳбарининг ушбу Мурожаатномасида ташқи иқтисодий сиёсатнинг асосий устувор йўналишлари белгилаб берилган. Бугунги давра суҳбатида мазкур масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тадбирда шунингдек, Россия, Хитой, АКШ, Япония, Корея Республикаси, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Европа иттифоқи ва Осиё давлатлари билан сиёсий, Савдо-иқтисодий, сарможий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Моҳиғул ҚОСИМОВА

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори К.Шарипов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Францияда бўлди. Сафар чоғида ушбу мамлакат университетлари билан ҳамкорлик ўрнатиш масалалари юзасидан қатор учрашув ва музокаралар ташкил этилди.


ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТ ВА ТУРИЗМ СОҲАСИДА ФРАНЦИЯ РАҚАМЛИ ЁНДАШУВИ БИЛАН ҚИЗИҚМОҚДА

Хусусан, Страсбург университети ректори М.Денекен билан суҳбатда иқтисодиёт ва менежмент соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича Франция тажрибасини ўрганиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Франция университети ректори Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистрантларини Париж университетининг Швейцария ва Грециядаги ҳамкор университетларидан бирига ўқишга юбориш масалалари муҳокама қилинди. Талабаларга икки диплом бериш тизими бўйича ҳамкорлик таклиф этилди. Мулоқот якунида ўзаро ҳамкорликнинг яқин муддатларга мўлжалланган асосий йўналишлари бўйича ўзаро аниқлаш меморандумини имзолаш учун Страсбург университети раҳбариятининг шу йил баҳор фаслида Ўзбекистонга сафарини ташкил этишга келишиб олинди. Биринчи Париж университети Пантеон Сорбоннанинг Туризм бўйича олий таълим илмий-тадқиқот институти директори Ф.Коминелли билан кенг учрашувда туризм соҳасида жаҳон меҳнат бозори ривожланишининг жорий ҳолати муҳокама қилинди.

Суҳбат асносида Франция вакиллари Ўзбекистон талабаларини "Рақамли туризм" дастурида ўқишга қабул қилишга тайёр эканини билдирди. Шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистрантларини Париж университетининг Швейцария ва Грециядаги ҳамкор университетларидан бирига ўқишга юбориш масалалари муҳокама қилинди. Талабаларга икки диплом бериш тизими бўйича ҳамкорлик таклиф этилди. Мамлакатимиз делегацияси, шунингдек, пазандалик бўйича нуфузли "Le Cordon Bleu" мактаби вакиллари билан ҳам музокаралар ўтказди. Унда "Пазандачилик" ва "Ресторан иши" йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш масалаларида ўзаро тажриба алмашиш юзасидан фикр алмашилди. Француз мактаби раҳбарияти Ўзбекистонда туризм ривожлантиришга қаратилган катта эътибор, жаҳон сайёҳлик бозоридаги ривожланишининг жорий ҳолати нуктаи назаридан, Ўзбекистон университетла-

ри билан ҳамкорлик ўрнатишга тайёрлигини билдирди. Музокаралар якунида томонлар "Le Cordon Bleu" мактаби ўқитувчиларининг Ўзбекистонда маҳорат дарсларини ўтказиш, Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаларининг Франция олий ўқув юртлири ёзги мактабларида амалиёт ўташларини ташкил этишга келишиб олинди. Тошкент давлат иқтисодиёт университети делегацияси бизнесни инновацион гоёлар асосида ривожлантириш бўйича халққаро тажрибани ўрганиш мақсадида дунёнинг етакчи стартап-инкубатори "Station F" марказида ҳам бўлди. Бу ерда улар стартап-марказ томонидан Франция ва жаҳонда амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Делегация аъзолари ёш стартап-лар ўз гоё ва янги лойиҳаларини тақдим этадиган тренинг ва семинарларда иштирок этди.

"Дунё" АА



ЯНГИ МАҲАЛЛА БИНОСИ ФЎДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Маҳаллалар жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитини мустақамлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар жипслигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда халқимизга энг яқин ижтимоий тузилма ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда дунёда ўхшашли бўлмаган мазкур тузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари муҳим дасту-

руламал вазиғасини ўтаётди.

Мазкур фармонга мувофиқ, фуқаролар йиғинлари идоралари биноларини намунавий лойиҳалар ва уларга қўйилган талаблар асосида қуриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш), уларни зарур меъёри, компьютер, алоқа воситалари ва интернет тармоғи билан таъминлаш вазиғаси белгиланган.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида “Ал-Фар-

гоний” маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фўдаланишга топширилди.

– “Ал-Фаргоний” маҳалла фуқаролар йиғини худудидеги 2 минг 100 дан ортиқ оилада 6 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, – дейди мазкур маҳалла раиси Нарғиза Исоқова. – Фуқаролар йиғини айни пайтга қадар эски бинода фаолият юритиб келаятган эди. Янги бинода нафақат ходимлар, балки бу ерга келадиган ҳар битта фуқаро учун барча қўлайлик яратилди. Бинода профилактика инспектори хонаси ва кутубхона ҳам бор. Барча хоналар замонавий мебель жиҳозлари билан таъминланган. Шу билан бирга Президентимизнинг 5 та муҳим ташаббуси ижроси доирасида кутубхонада ёшларга компьютер саводхонлигини ўргатиш учун компьютерлар ўрнатилган ва интернетга уланган. Кутубхонага турли хилдаги адабий, сиёсий, тарихий, бадий китоблар жойлаштирилган. Яқин кунлар ичида новвойхона ҳам ишга тушади.

Шу куни Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқарув раиси Р.Маматовнинг худуд ёшлари билан учрашуви ҳам ташкил этилди.

Учрашувда Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида ёшларга оид давлат сиёсати, ёшларнинг муқамал билим олиб, касб эгаллаши учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгуси йилларда эса 50-60 фоизга етказиш бўйича бор имкониятлар ишга солинаётгани ҳақида айтилди.

Президентимизнинг 2019 йил 27 декабрь куни Мухаммад ал-Хоразмий номидаги умумтаълим мактабидеги ёшлар билан ўтказган учрашувида белгиланган вазиғалар асосида ёшлар фикрлари тинглангани, уларнинг ташаббус, таклиф ҳамда муаммолари ўрганилди.

Нурилло НАСРИЕВ

Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ва “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги 2019 йил якунлари бўйича Ўзсаноатқурилишбанкнинг инвестицион фаоллигини Ўзбекистон тижорат банклари ўртасида энг юқори ўринга лойик деб топди.

ЭНГ ЯХШИ НАТИЖАНИ ҚАЙД ЭТДИ

“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги хабарига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари ва Марказий банки раиси томонидан 2019 йил 23 январда тасдиқланган “Тижорат банкларининг 2019 йилда инвестиция фаолиятини жадаллаштиришга қаратилган Ўл ҳаритасига асосан ишлаб чиқилган Методология мезонларига мувофиқ тижорат банкларининг 2019 йилдаги инвестицион фаоллиқ даражаси ўрганилганда Ўзсаноатқурилишбанкнинг ушбу йўналишдаги фаолияти рейтинг рўйхатининг биринчи погонасини эгаллаган.

Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ва “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги томонидан ўтказилган ўрганиш жараёнларида банкдан олинган

маълумотлар сифат ва даромадлилик, ҳамжи, самарадорлик ва хартарлар билан боғлиқ кўрсаткичлар доирасида таҳлил қилиниб, умумлаштирилганида жами 85,6 балл тўпланди.

Эслатиб ўтамиз, 2019 йилнинг ноябрь ойида “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги Ўзсаноатқурилишбанкка хизмат кўрсатиш сифатининг энг юқори – qA1 даражасини берган эди.

“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги 1995 йилда ҳукумат қарори билан тузилган бўлиб, Ўзбекистондаги биринчи рейтинг агентлиги ҳисобланади. Агентлик тижорат банклари ва шу каби молиявий компанияларнинг банк хизматларини мониторинг қилиб боради ва шу асосида рейтинг тузади.

Зарина РУСТАМОВА

“ПРОКУРОР ВА ЁШЛАР” УЧРАШУВИ

Тошкент шаҳар прокуратураси раҳбариятининг туманларда ёшлар билан ўтказилган “Прокурор ва ёшлар” учрашувининг навбатдагиси Бектемир тумани маданият марказида бўлиб ўтди.

Тадбир Бектемир туманида янгитдан қад ростлаган “Ёшлар меҳнат гузари” комплекси таркибидеги “Китоб кафе-си” ҳамда чет тилига йўналтирилган ўқув марказининг тантанали очилиши билан бошланди.

Учрашувда тумандаги таълим муассасалари ўқувчилари, спортчилар, ёш тадбиркорлар ва етакчилардан иборат 200 дан зиёд ёшлар, Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раҳбарияти, Сергели тумани сектор раҳбарлари ҳамда фаҳрий ҳарбий офицерлар, Мудофаа вазиғлигининг ҳарбий оркестри иштирок этди.

Тадбирда Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши билан шаҳар прокуратураси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида Меморандум доирасида амалга оширилган ишлар, Ёшлар марказида ташкил қилинган “прокурор хонаси” фаолияти, пойтахтда ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш ва келгусидаги вазиғалар ҳақида сўз юри-

тилди.

Шунингдек, ёшлар муаммолари ҳамда таклифларини тинглаш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг муаммо ва камчиликларини бартафарф этиш масалаларига қаратилди.

Учрашув сўнгидеги ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Бектемир туманида яшовчи, фан, таълим ва спорт соҳасида кўзга кўринган ютуқларга эришган, халқро танловлар ғолиби бўлган ўн нафар ёшга Тошкент шаҳар прокурорининг эсдалик совғалари топширилди.

Ёшларнинг қайфиятига кўтаринки руҳ киритиш мақсадида ҳарбий оркестр сонандлари, Бектемир туманининг истеъдодли ёш санъаткорлари иштирокида концерт намойиш қилинди.

Тадбирдан сўнг ёшларни туманда фаолият юритаётган қўшма корхонасига саёҳати уюштирилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Жаннат оналар оёғи остидадир

ОНАХОНИМИЗ – МЕҲРИБОНИМИЗ

Яқинда “Маҳалла” радиоканали орқали эфирга узатилган “Ассалом, янги кун!” эшитиришида 90 ёшли табаррук онахоннинг сўхбатларини тинглаб қолдим. Китобга бўлган меҳр-муҳаббатлари, донна-донна айтган пурмаъно сўзларини эшитиб, улар билан танишиш мақсадида Шайхонтоҳур тумани, Термиз кўчасининг 97-хонадони сари йўл олдик.

Бу азиз ва табаррук хонадонда пиру бадавлат ҳожи она, меҳнат фаҳрийиси Наимахон ая истиқомат қилар эканлар. Кейинги пайтларда кўпчилик ҳамшаҳарлар, қариндош-уруғлар бу хонадонга тез-тез ташриф буюриб, азиз ва мўътабар онахонимизнинг пурмаъно сўхбатларидан баҳраманд бўлишиб, дуоларини олишмоқда экан. Зеро, айтганларидек, бугунги тинч, фаровон, дорилмомон кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Шунинг учун ҳам шукроналикда бу кунларнинг қадрига етиш, ўтганларни ёд, руҳларини шод айлаш, тирикларни авайлаш инсонийлик бурчимиздир.

1930 йилнинг 15 февралда Тошкент шаҳрининг Бешёғоч маҳалласи, Чақарарик даҳасида зиёлилар оиласида таваллуд топган Наимахон ая бугунги кунда табаррук 90 ёшдадир.

Ўтган асрнинг ҳаётий турли зиддиятларга тўла алғов-далғовли, оловли-суронли, ўттизинчи-қирқинчи йилларида туғилиб ўсган авлод бошига не-не қийинчилик, йўқотишлар тушмади дейсиз. Бизнинг онахонимиз ҳам эл-юрт қатори, сув келса симириб, тош келса кемириб, шу кунларга етиб келганлари учун ҳам Яратганга беадад ҳамду санолар айтадилар, шукр қиладилар.

Уларнинг волидаи муҳтарамалари оғир бетоблик туфайли эрта оламдан ўтган, не кунларга қол-

мадилар дейсиз. Бамисоли ўзбек халқ эртаги – “Зумрад ва Қиммат”даги сингари саргузаштларни кўравериб, ҳаётда роса тобланилар, чиникдилар, яхши одамлар даврасида, тарбиясида бўдилар. Ўткир зехли, тиришқок, меҳнатсевар, ҳалол ва покиза, ориятли, ифбатли, шарму хаёли бўлиб ўсдилар. Шунинг учун ҳам яқинлари уларни чин дилдан севиб, эркалаб, “Она-хон!” дея атай бошладилар. Кейинчалик бу севишли атама одат тусига кирди.

Шундай қилиб, онахон пошла аста-секин улғайиб, Шайхонтоҳур туманидаги 59-мактабда бошланғич ва ўрта таълим олди. Айниқса, она тили ва адабиёт, тарих, жуғрофия фанларига катта меҳр қўйди. Кўплаб китобларни мутолаа қилди, ўзича пинҳона бадий ижод билан шуғулланди.

1950 йилнинг 12 ноябрида маҳалладаши Мирйўлдош Исмоиловага турмушга чиқди, ҳаётда ўз мустақил ўрнини топди. Катта хонадон келини бўлиб, кекса қайнота ва қайнонаси, яқинлари дуосини олди, ўзидан кўпайди. Бирин-кетин беш қиз, икки ўғил кўриб, уларни илмли-билимли, касбухонарли, эл-юртга муносиб инсонлар қилиб тарбиялади.

Тиниб-тинчимас онахонимиз 1967 йилда Тош-



кент шаҳридаги “Учқун” номли тўқимачилик корхонасида қизгин фаолият юритди, эл-юрт, жамоатчилик назарига тушди, илғорлар сафидан ўрин олди. “Меҳнат шухрати” кўкрак нишонин билан тақдирланди, Чехословакия, Булғория давлатларига сафарга юборилди.

Ҳожи онамизнинг жуфти ҳалоллари Мирйўлдош Исмоилов 30 йилдан зиёд Чилонзор туманидаги 5-таксиматор паркда ибратли, фидоий ҳайдовчи бўлиб ишладилар, пенсияга чиқдилар Афсуски, 2004 йили вафот этиб, бугунги тинч ва обод, фаровон кунлар гашти, завқил-шавқини кўраолмадилар. Онахонимиз, 2 ўғил, 5 қиз, 27 невага, 67 аvara ва 10 га яқин чеваралар, яқин қариндошуруғлар қалбидеги иккинчи умрини яшамоқда. Бундан ортиқ бахт-саодат борми жаҳонда?!

Бу фазилы хонадон аъзолари, шаҳсан Наимахон ая билан танишиб, сўхбатларидан баҳраманд бўлиб, маънавий озуқа олди. Айниқса, у кишининг, умримнинг оғир кунларида китоб энг яқин дўстим, юпанчим бўлди, ҳозир ҳам мутолаани қанда қилмайман, деди.

Дилором ҲОТАМОВА

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ФИДОЙИЛАРИ

Тошкентда педагог ходимларга “Халқ таълими фидойиси” кўкрак нишонини топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Шерзод Шерматов Президентимиз ташаббуси билан таълим соҳасидаги ислохотлар жараёнида педагог кадрларни ижтимоий муҳофазалаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, зарур меҳнат шартлиларини яратишга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йилнинг 29 апрелда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонига кўра ўқитувчи касбининг мақоми ва обрўсини ошириш бўйича тегишли тарзда чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, қарорда халқ таълими тизимида фаолият юритаётган соҳа ходимларини давлат ва тармоқ мукофотлари билан тақдирлаб бориш кўзда тутилган.

Унга кўра мамлакатимизнинг 69 ўқитувчиси баркамол авлодни воюга етказиш, ёшларни ватанпарварлик ва иштиқол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида фидокорона меҳнатлари ҳамда соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшгани учун “Халқ таълими фидойиси” кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Тадбирда халқ таълими вазири Ш.Шерматов бир гуруҳ устоз-педагогларга “Халқ таълими фидойиси” кўкрак нишонини тантанали топширди.

Сўзга чиққанлар машаққатли ва шарафли касб эгаларини қўллаб-қувватлаш, ёшларни қомил шахс этиб воюга етказиш, таълим сифати ва самарадорлигини яхшилаш борасидаги амалий гамхўрлик ўқитувчиларни янада кўпроқ изланишга қорлашини таъкидлади.

(ЎЗА)

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани маҳаллий бюджетининг 2020 йил бошига шакланган қўшимча манбаларининг миқдори 7 428 787 988 сўмини ташкил этди.

Ушбу маблағларнинг камида 10 фоизи, яъни 742 878 798 сўм маблағ жамоатчилик фикри асосида берилган таклиф ва белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида Сизнинг фаол иштирокингизни сўраймиз.

Бунинг учун Сиз www.openbudget.uz сайтида туманимиз аҳолиси томонидан таклиф этилаётган тадбирларга овоз беришингиз ёки овоз бериш саҳифасининг кўйи қисмида жойлашган “фикрингизни қолдириш” тугмаси орқали ўз таклифингизни қолдиришингиз мумкинлигини маълум қиламиз.

Тадбирга овоз бериш ёки ўз таклифингизни қолдириш давомийлиги 2020 йил 1 февралдан 20 февралга қадар давом этишини ҳамда 2020 йил 20 февралдан кейин берилган овоз ва таклифлар ҳисобга олинмаслигини эслатиб ўтамиз.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сиздан ушбу тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраймиз.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани маҳаллий бюджетининг 2020 йил бошига шакланган қўшимча манбаларининг миқдори 7 428 787 988 сўмини ташкил этди.

“Realtor Garant Business” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидеги ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади!

Аукцион савдосига 2019 йил 11 сонли шартномасига асосан 2019 йил 2 октябрда тўхтатилган мулкни такрорий аукцион савдосига қўйидаги мулклар Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Бобур кўчасида жойлашган 926 кв. бино бошланғич баҳоси – 2.584. 292.000 сўм.

Аукцион савдосига 2020 йил 20 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2020 йил 18 февраль куни соат 18:00 гача қабул қилинади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдога қўйилган мулкнинг бошланғич баҳосининг 50 % фойздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини “Realtor Garant Business” МЧЖнинг АКБ “Универсал банк” Тошкент филиалида қўйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9049 3605 0004. МФО: 00996, СТИР: 207 125 885. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 3-мавзеси, 4-уй. Тел: (99) 009-54 -35. Ҳуғуҳнома № 0052

Белгиланган мuddатда аукцион савдосига қўйилган мулк бўйича талабгорлардан аризалар келиб тушмаса, такрорий аукцион савдоларини 2020 йил 27 февраль, 5, 12, 19 март кунлари қайта аукцион савдолари бўлиб ўтилишини маълум қиламиз.

Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи томонидан 2006 йилда Иноят Фэррух Шавкатович номига берилган К № 270406 рақамли 1259-рўйхат рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўрта Осиё медицина педиатрия институтини томонидан 2004 йилда Тилалов Шаймурат Абдимуратович номига берилган № 278189 рақамли 449 рўйхат рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Мирзо Улуғбек тумани, Богимайдон маҳалласи, Яланғоч кўчаси, 83-уй, 48-хонадон эгаси Абеуев Азизбек Moldaraimovich номига Мирзо Улуғбек тумани кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Республика касб-ҳунар коллежи томонидан 2011 йилда Усмонов Махмуд Ибрагимовичга берилган К № 2242504 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат аграр университети томонидан 1992 йилда Ходжанов Алишер Юлдашев номига берилган № 939471 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидаги 195-сонли ўрта таълим мактаби томонидан 2014 йилда Исаков Дoston Джанпулат ўғли номига берилган И № 6746773 рақамли, 190-рўйхат рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 24-қаврат, 46-уй, 37-хонадон эгаси Базарбаева Барно Ариджановна номига Учтепа тумани кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МОБИЛЬ ИЛОВА ОРҚАЛИ ПОЕЗДЛАРГА ЧИПТАЛАР

“Ўзбекистон темир йўллари” акционерлик жамияти iOS негиздаги мобил телефонлар учун “Uzrailways tickets” электрон чипталарни сотиш бўйича янги иловани ишлаб чиқди. Ҳозирги пайтда сервис синов тартибда ишлатилмоқда.

“Ўзбекистон темир йўллари” акционерлик жамиятининг маълумотларига кўра, “Uzrailways tickets” иловасининг функциялари миллий темир йўл ташувчисининг сайтида ҳозир мажуд бўлган илованинг функциялари билан бир хил. У электрон рўйхатдан ўтиш, электрон йўл ҳужжатларини расмийлаштириш ёки чиптани қайтариш имконини беради. Ундан ташқари, “Android” операцион тизимидаги смартфонлар учун ушбу дастурнинг версияси янги-

ланган. Ҳозирги пайтда электрон чипталарни “Uzrailways tickets” иловалирининг иккала версияларидан фойдаланган ҳолда маҳаллий тўлов тизимлари орқали сотиб олиш мумкин. Ишлаб чиқарувчиларнинг мўлжаллари бўйича яқин вақт ичида бу каби тўловларни “Viza” ва “Master Card” пластик карталари ёрдамида ҳам амалга ошириш мумкин бўлади. Роман БОНДАРЧУК, ЎЗА мухбири

УНИВЕРСИДА ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида талабалар ўртасида Универсиада спорт мусобақалари дастуридаги стол тенниси бўйича республика финал босқичи якунланди.

Олий ва ўрта махсус таълим, Жисмоний тарбия ва спорт вазирликлари ҳамда бир қатор ташкилотлар томонидан ўтказилаётган мусобақада мамлакатимизнинг барча ҳудудидан 14 жамоа таркибида 28 спортчи-талаба голиблик учун куч синашди.

Мусобақанинг жамоавий баҳсларида Наманган жамоаси биринчи поғонадан жой олган бўлса, самарқандлик талабалар иккинчи бўлди. Фахрли учинчи ўрин эса Андижон ва Жиззах жамоасига насиб этди.

Яқалик баҳсларда Шаҳоб Баратов (Тошкент вилояти) ва Шабнам Жумаева (Сурхондарё) барча рақибларини енгиб, олтин медални қўлга киритди. Аралаш жуфтликда бухо-

ролик Алишер Эргашев ҳамда тошкентлик Зулайхо Ёқубова тандеми голиб бўлди.

Универсиада спорт мусобақалари голиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдаллик совгалар билан тақдирланди.

– Мазкур мусобақадаги ҳар бир учрашувга алоҳида тайёргарлик кўрдиқ. Мураббийларимизнинг кўп йиллик меҳнати ва бизга бўлган ишончи сабаб жамоамиз бош совринни қўлга киритди. Универсиада спорт мусобақалари биз ёшларини улкан галабалар сари етаклайди, – деди ЎЗА мухбирига наманганлик Махлюё Омонова. Жавоҳир ТОШЎЖАЕВ

ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ АСРАШ – БУРЧИМИЗ

Пойтахтимизда Шоштепа археологик ёдгорлигини асраб қолиш ва ундан туризм йўналишида самарали фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, “Шарқ дарвозаси” номига мушарраф бўлган Тошкент неинки Марказий Осиё, балки жаҳондаги қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, тамаддун ўчоги сифатида йирик тарихий марказлардан саналади. Мухим савдо карвонлари кесишган, Буюк Ипак йўлида жойлашган бу шаҳар мейморлик, шаҳарсозлик, илм-фан, маданият ва маърифат ривожига етакчи ўрин эгаллаб келади.

Шоштепа ёдгорлиги Тошкент жанубида, Сергели туманидаги Жўнарик бўйида жойлашган қадимий шаҳристон қолдиги саналади. Қадимшунослар бу ердан эраминдан аввалги IV-III асрларга оид ашёларни топишга муваффақ бўлган. Баъзи тарихий манбаларда ушбу объект “Чочтепа” деб ҳам юритилади. Айрим нашрларда эса бу ёдгорлик Тошкентнинг бешиги сифатида номланган. Археолог Маргарита Филановичнинг таъкидлашича, ушбу ёдгорлик ўз қадр-қиммати, тарихий аҳамияти билан нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон тарихида гоят улкан аҳамиятга эга тарихий маскан. Айна шу жойдаги қазилма-тадқиқот ишлари Тошкент шаҳри тарихи 2200 йил, эҳтимолки, ундан ҳам улгурок бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

– Тошкент жуда гаройиб шаҳар, – деди М.Филанович. – Унда 2000 – 2200 йиллик тарихга эга бўлган нодир археологик объектлар бор. Шу боис “шаҳарда сайёҳлар қўришига арзигulik қадимий масканлар йўқ” қабилидаги фикрлар мутлақо нотўғри ва ҳатодир. Холбуки, Шоштепа, Минг’ўрик, Оқпета каби қадим шаҳристонлар, ёдгорлик масканлари Тошкентнинг тарихи нечоғли кўна эканидан сўзлайди.

2019 йилнинг 4 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига Шоштепа археологик ёдгорлигига жиддий талафот етказилгани ҳақида хабар келган эди. Айни шу даврда юртимиздаги ижтимоий тармоқларда ҳам шу мазмунга оид хабарлар тарқалган, бу эса ақсарият ҳамшаҳарларимизни, ўлкашунос, археолог олимларни ташвишга солгани сир эмас.

Мутахассислар томонидан ушбу объект жиддий ўрганилганда унинг бир қисми вақт ўтиши билан табиий тарзда ўпирилиб тушгани маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги тегишли қарори асосида ушбу жой Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритилди. Бугунги кунда археологик объект атрофига қурилган уйлар юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими ва Сергели тумани ҳокимига Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2019 йил 17 сентябрда ва 2019 йил 2 октябрда хатлар берилган. Бироқ маҳаллий ҳокимлик органлари томонидан бу хатлар юзасидан ҳеч қандай жавоб хати келмаган. Ваҳоланки, маданий мерос объектларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланишга оид миллий қонунчиликка мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида маданий мерос объектларини муҳофазат қилади, асрайди. Соҳага доир қонунчилик ҳужжатлари ижро этилишини амалда таъминлаш зарур.

Баҳс-мунозара, тортишувларга бой бўлган давра суҳбатида ҳозирда Маданий мерос департаменти томонидан археология объектларини муҳофазат қилиш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан концепция ишлаб чиқилаётганига эътибор қаратилди. Шоштепа археологик объектида 2020 йилдан археологик тадқиқотлар ўтказилиб, тўлиқ ўрганилиши ва консервациялаш режалаштирилмоқда.

Давра суҳбатида қадимий ёдгорлик объектини асраб-авайлаш, уни консервациялашга олимлар, археологлар, мейморчилик ва шаҳарсозлик соҳаси экспертлари, кенг жамоатчиликнинг таъкид ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ёндашиш зарурлиги, бу борада амалий иш режасини яратиш, келгусидаги саъй-ҳаракатларни мунтазам мувофиқлаштириб бориш юзасидан фикрлар билдирилди.

(ЎЗА)

Божхона

“ФРЕОН”НИ ЯШИРИНЧА ОЛИБ КИРИШГА УРИНГАН КИМСАЛАР ФОШ БЎЛДИ

Сайёрамизни ўраб турган атмосфера ҳимоячиси бўлган озон қатлами емирилишининг олдини олиш мақсадида жаҳон ҳамжамяти томонидан кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу борада бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон ҳам уларнинг бевосита иштирокчиси ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 январдаги “Озонни бузувчи моддалар ва таркибидан улар бўлган маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасига импортини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, 2018 – 2030 йиллар давомида озонни бузувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикасига импорти учун квоталар асосида амалга оширилиши қайд этилган.

Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг “Арқ

булок” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан мазкур талабаларга зид равишда озонни бузувчи моддалар ва таркибидан улар бўлган маҳсулотларни мамлакатимизга олиб кириш ҳолати фош этилди.

Жумладан, хориждан пойтахтимизда фаолият юритувчи корхона номига келган 300 дона “Фреон” товарларини божхона назоратидан ўтказиш натижасида баллоннинг устки қисмида “R134a” кўрсатилганлиги, тақдими этилган ҳужжатларда эса ушбу товарлар “R410a” билан кўрсатилганли-

ги божхона ходимларини шубҳалантиргани сабабли, мазкур товарлар экспертизадан ўтказилди.

Экспертиза натижасида товарларнинг 200 донаси “R 22/ГХФУ 22” турдаги фреон эканлиги ҳамда бу турдаги товарларни мамлакатимизга олиб кириш қатъий квоталанган ва Экология ва атроф-муҳитини муҳофазат қилиш қўмитасининг рухсати талаб қилиниши маълум бўлди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

ЯНГИ ҚОНУН МУҲОКАМАНДАН ЎТКАЗИЛДИ

Қуни кеча Тошкент минтақавий темир йўл узели ҳамда “O‘ZLITINEFTGAS” акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган тадбирда “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги янги қонун таҳрири муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари раислари, аъзолари, Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбир қизиқарли савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Уюшма томонидан йиғилганларга қонуннинг мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилди. Қонуннинг 12-моддасида келтирилган Касаба уюшмаларининг, улар билрлашмаларининг фаолиятига аралашмаслик қафолати Меҳнат кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларимизда келтирилган моддаларга мувофиқдир.

Шунингдек, касаба уюшмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, мулк ҳуқуқи қафолатлари, уюшма органларига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ва этилмаган ходимлар учун қафолатлар, шунингдек, меҳнатга оид қўшимча қафолатлар, иш бевурувчининг касаба уюшмалари фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишга доир мажбуриятлари ва бошқа ҳуқуқлар мамлакатимизда ходимлар меҳнатини муҳофазат этиш бўйича демократик принципларга тўла риоя этадиган тизим яратилаётганлигидан далолат беради.

“Биз фуқаролардан касаба уюшмаларига бирлашишда ва ундан ўз ҳуқуқий манфаатлари йўлида фойдаланишда ташаббускор бўлишга чақирамиз. Ҳар бир шахс хоҳ хусусий, хоҳ давлат ташкилоти ходими бўлсин, бу ҳуқуқдан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эгадир”, – дейди “Адолат” СДПдан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нодира Каримова.

Йиғилиш иштирокчилари қонуннинг мазмун-моҳияти билан яқиндан танишар эканлар, ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича тадбир ташкилотчиларидан жавоблар олишди.

Тадбир давомида Тошкент давлат аграр университетини талабалари томонидан тайёрланган мавзуга доир видеоролик ҳамда сахна кўрсатишлари тадбир қатнашчиларининг қонунни янада кенгроқ тушуниб олишларига хизмат қилди.

Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА, Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби

ПОЕЗД ЙЎЛОВЧИСИ ЮКЛАРИ ОРАСИДА 103 МИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚ ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИ БОРЛИГИ АНИҚЛАНДИ

Қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик буюмларининг яширин йўллар билан олиб ўтилишига қарши кураш божхона органлари томонидан тизимли равишда олиб борилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси “Келес” темир йўл чегара божхона пости ходимлари қўшни давлатдан кириб келган поезд йўловчиларининг юкларини белгиланган тартибда божхона кўригидан ўтказишди.

Натижада, хориж фуқароси К.А. умумий оғирлиги 6,1 килограммни ташкил этувчи турли хил тилла ва кумуш тақинчоқларни юкларини орасига яшириб олиб келадиганлиги аниқланди.

Аниқланган заргарлик буюмларининг умумий қиймати 103,2 миллион сўмни ташкил этди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, амалдаги тартибларга кўра жисмоний шахслар республикамизга қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмларини 65 гр.гача божхона тўловларисиз олиб киришлари мумкин.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати

Президентимизнинг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳиятига эътибор қаратсак, унда инсон ҳақ-ҳуқуқи ҳамда қонуний манфаатларига хизмат қилиши яққол кўринади.

ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ВА ТАРАҚҚИЁТИМИЗ АСОСИ

Бахтимиз қомуси бўлган Конституция энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қафолатлайди. Конституциямизда адолат, маънавият, ҳақиқат ва одиллик, миллий ахлоқий кадриятлар, умуминсоний ғоялар каби мезонлар талабиди муҳим қоидалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, энг аввало, халқ манфаатидан келиб чиқади ва унга хизмат қилади. Бош қомусимизда қайд этилганидек, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан химоя қилинади.

Мамлакатимиз асосий қонунининг жамиятимиз тараққиётида, инсон ҳуқуқларини, унинг манфаатларини химоя этиш, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодийнинг негизларини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахснинг билим олиш, меҳнат қилиш, ижтимоий химоя, тадбиркорликдаги имтиёзлардан фойдаланиш каби ҳуқуқларини қафолатлашда тугган ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Инсон ва унинг манфаатлари, ҳуқуқларини олий кадрият сифатида эътибор этган Конституциямиз – бахтимиз пойдеворидир. Бугун жамиятимиз қандай ютук ва марраларга эришаётган бўлса, уларнинг пойдевориди Конституциямиз – буюк ҳаёт қомусимиз турибди.

Ёшларнинг яшаш, ўқиш, моддий ва маънавий бойликлардан фойдаланиш каби ҳуқуқлари реал қонуний асосга қўйилган жамиятдагина шахснинг эркин инсон сифатида фаолият кўрсатишига имконий яратилади.

Ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларда юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, қонуларимизга ҳурмути руҳида тарабиялаш, Ватанга муҳаббатини кучайтириш муҳим вазифа. Бугунги кунда ёшларимиз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, қадр-қимматини янада чуқурроқ англаб бормоқдалар. Конституция мамлакат суверенитети, миллий давлатчилик ривожига, фуқароларнинг ҳаёти, жамиятдаги ўрни ва турмуш тарзини белгилаб берадиган асосий қонундир. Бош Қомусимиз демократия ва ижтимоий адолат қоидаларига асосланган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг мустақил йўлини белгилаб берди.

Жамиятимиз ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўз олдида мақсад қилиб қўйган экан, бу борада ёшларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш муҳимдир. Ҳуқуқий билим ва маданият миллат етуклиги ва инсон баркамоллигининг энг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Шунинг учун ҳам демократик жамиятда яшаётган ҳар бир шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиши ҳамда шахсий ҳаётида учраб турадиган муаммоларининг ечимини айнан Конституциядан топиши зарур. Конституцияни ўрганиш ва уни ҳаётга таъбиқ этиш – демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида дастлабки ва энг муҳим қадамдир.

Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, Конституциямиз – адолат, бахт ва фаровонлик мезони бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимиз мустақиллигининг муҳим ҳуқуқий асоси, тинч-осуда, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам қафолатидир.

Маълумки, инсон ҳуқуқлари – одамларнинг муносиб тарзда яшаш ва фаолият олиб бориши учун лозим бўлиб қўйилган ҳақ-ҳуқуқлар мазмунини ифода этадиган тушунчадир.

Табиий ҳуқуқлар ва давлат томонидан қонуний асосда қафолатланган ҳуқуқлар мавжуд бўлиб, яшаш ҳуқуқи – табиий ҳуқуқдир. Давлат томонидан қафолатланган ҳуқуқларга сайлов ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, нафақа олиш ҳуқуқи каби инсоний ҳуқуқлар кирлади.

Шахсий ҳуқуқларга яшаш ҳуқуқи ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи, эркин кўчиш ҳуқуқи, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, виждон эркинлиги ҳуқуқи, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга мулкдор бўлиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот хизматлари, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи кирлади.

Фуқаронинг ҳуқуқий билими, маданияти, маънавияти қанча юксак бўлса, ҳуқуқий давлат шунча кучли бўлади, мустақиллигимиз мустаҳкамланиб бораверади. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини қуриш олий мақсаддир. Бу олий мақсадга эришишда халқнинг, ёш авлодининг ҳуқуқий онгини юксалтириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Конституция давлатимизни қиёфаси ва нуфузини белгилаб беради. Асосий қонунимиз халқ иродаси ва шуурини, ижтимоий онги ва маданий даражасини акс эттиради. Конституция – халқ тафаккури ва ижодининг махсуслидир. У эркин ва озод яшаш, ҳар томонлама фаровон ҳаёт қуриш дастурининг ўзгичани ташкил этади ва юксак тараққиётга эришишининг ҳал қилувчи узвий қисми ҳамда асосий йўлидир.

Анвар ИҚРОМОВ, Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг судьяси

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ **Тошкент шаҳрида 12 февраль кунини ҳаёо ўзғариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 1-3 даража илқ, кундузи – 8-10 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 12 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаёо шароити шаҳар ҳаёо муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратлади, ифосланиш даражаси паст бўлади.**